

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳихлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қ.Йўлчиев

Лирик шеърда сюжет ва топохронос 102

С.Эшонқулов

Нодира лирикасининг бадиият олами асослари 108

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамажонов

Ўзбек тилида сабаб-натижа муносабатининг ифодаланиши 113

З.Рахимов, Ш.Искандарова

Фарона тилшунослик мактаби 116

Р.Шукуров, Г.Жўрабоева

Ёзма манбаларда ўш астионими ва унинг келиб чиқишига доир 123

М.Абдуллаттоев

Поэтик нутқни ўрганиш масалалари 128

З.Алимова

Форсча-тожикча ўзлашмаларда вокализмларнинг ўзгариши 133

Ш.Дадабоева

Қиёслаш муносабати ва унинг универсал жиҳатлари 138

Н.Якубова

Жумбоқли матнлар лингвистик тадқиқот обьекти сифатида 142

Л.Абдуллаева

Инициализмлар инглиз юридик аббревиатуралар сифатида 146

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Н.Расулова

Адаптив интеллектуал таълим муҳитида индивидуаллаштирилган ўқув жараёнининг
моделлари 150

Г.Хамраева

Касб таълими йўналиши талабаларининг рақамли компетенциясини ривожлантириш
усуллари 157

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.Мирзарахимов, А.Сироғиддинов, Ж.Назирқулов

Реал вақт режимида тизимдан малакали кадрларни танлаб олиш алгоритмини
норавшан мантиқ асосида тадқиқ этиш 163

М.Султонова

Ўзбекистонда телетибиёт тизимини ташкил этиш тизими модели
ва ундаги муаммолар 167

Н.Қодирова, И.Асқаров, Б.Дўумонов, М.Акбарова

Айрим совунлар ва синтетик кир ювиш воситалари таркибига кирувчи сирт фаол
моддаларнинг мицелляр ҳолати ва уларни таснифлаш 171

И.Асқаров, М.Холматова

Балиқ маҳсулотларининг кимёвий таркиби 175

Х.Муйдинов, Ж.Қодиров

Қорамол тери ости бўқалари: Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бўқалар
ҳашаротларининг учиш муддатлари 180

Ш.Усанов

Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсати тизимида оила-маҳалла ҳамкорлиги масалалари 183

А.Эшниязова

Ижодкор биографияси ва уруш фожиаси 187

Т.Рузибоев

Жудолик Навоий талқинида 191

Ш.Махмиджонов

Рұхият қирраларининг бадиий талқинлари 195

ТИЛШУНОСЛИК

УДК: 811. 512.

ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎШ АСТИОНИМИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИГА ДОИР

ОБ АСТИОНИМЕ ОШ В ПИСЬМЕННЫХ ИСТОЧНИКАХ И ЕГО ПРОИСХОЖДЕНИИ

ON THE ASTIONYM OF OSH AND ITS ORIGIN IN WRITTEN SOURCES

Шукуров Рахматилло Мирзатиллаевич¹, Жўрабоева Гулрух Солижоновна²

¹ Шукуров Рахматилло
Мирзатиллаевич

– ФарДУ, тилшунослик кафедраси доценти, ф.ф.н.

² Жўрабоева Гулрух Солижоновна

– ФарДУ, тилшунослик кафедраси таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада Ўш астиномининг келиб чиқиши ва этимологиясига оид фикрлар баён этилади.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы происхождения и этимологии астинома Ош.

Annotation

The article gives an overview of the origins and etymology of the Osh astionym.

Таянч сўз ва иборалар: топоним, топонимия, астином, этимон, этимология, сак қабиласи, этномоним, этнотопоним.

Ключевые слова и выражения: топоним, топонимия, астином, этимон, этимология, сакское племя, этномоним, этнотопоним.

Keywords and word expressions: toponyms, toponymy, astionym, etymon, etymology, saks tribe, ethnonym, ethnotoponym.

Ўш шаҳри – Фарғона водийсининг шарқий қисмида, Оқбура дарёсининг Олой тизмаси этагида жойлашган Марказий Осиёнинг энг қадими худудларидан биридир. Ҳозирда Ўш шу номдаги вилоятнинг маркази саналиб, ахолисининг кўплиги ва кенглиги жиҳатидан Қирғизистон Республикасининг Бишкеқдан кейинги иккинчи, жанубий пойтахти сифатида эътироф этилади. Кўхна Ўшнинг 3000 йиллик тарихга эга эканлиги археолог олимлар Е.В.Дружинина ва Ю.А.Заднепровскийлар томонидан аниқланган [1;6,14]. Ушбу далилларга асосланган ҳолда 2000 йилда унинг уч минг йиллик тўйи ЮНЕСКО ташаббуси билан кенг миқёсда нишонланган.

Ўш астиноми дастлаб IX-X аср ёзма манбаларида учрайди. Худди шу даврларда у Сомонийлар давлати таркибида бўлиб, катталиги жиҳатидан Фарғона водийсидаги учинчи шаҳар ҳисобланган [2,217]. Шу боис араб ва форс тилларида ёзилган X аср тарихий ва географик манбаларида, шунингдек, З.М.Бобурнинг «Бобурнома» асарида гарчи Ўшнинг номланишига доир

фикрлар келтирилмаган бўлса-да, лекин шаҳарнинг ўша даврдаги жуғрофик ўрни ва табиати тасвирига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, араб сайёҳи Истаҳрийнинг «Китоб ул-масолик вал-мамолик» асарида жой ҳақида қўйидагилар қайд этилган: «Ўш катталикда Кубога тенг. Шаҳристони ва кўҳандизи обод жой. Амирлар саройи ва зиндан кўҳандизда жойлашган. Шаҳристонда эса работ бор. Работ девор билан ўралган ва девор тоқقا етиб боради. Тоғ устидаги қоровуллар турк қўшинларини кузатиб туришади. Ўшнинг учта дарвозаси бўлиб, улар Дарвозайи Кўх, Дарвозайи Об, Дарвозайи Муғкада деб аталади» [3,27].

Муаллифи номаълум «Худуд ул-олам» асарида шаҳар тасвири шундай берилади: «Ўш – обод жой, ноз-неъмати кўп, одамлари жанговар эрур; тоғ этагида жойлашган. Бу тоғда қўриқчилар қўйилган, улар коғир туркларни¹ қайтариб туради» [4,16].

¹ Изоҳ: ўша пайтда исломга кирмаган туркий элатлар назарда тутилган.

Муқаддасийнинг «Аҳсан ат-таққосим фи маърифат ал-ақолим» асарида Ўш туркларнинг асосий чегара шаҳарларидан ҳисобланади, деб кўрсатилиши баробарида Фарғонанинг Несъия вилоятига тегишли жой сифатида тилга олинади: «Несъия шаҳарлари (водийнинг жанубий қисмида, яъни Туркистон тоғларининг шимолий ёнбагирларидаги Насой туманида): Ўш, Қуба, Баранг, Марғонон, Риштон, Ванкат, Кенд» [5,220].

Мазкур шаҳар «Бобурнома» асарида Фарғона водийсининг 7 та йирик қасабаларидан бири – «... беши Сайхун суйининг жануб тарафида, икки шимоли жонибида», яъни Сирдарёнинг жанубида жойлашган шаҳри сифатида қайд этилади: «Яна бир Ўш қасабасидур. Андижоннинг шарқи жанубий тарафидур, шарққа мойил, Андижондин тўрт йиғоч йўлдур. Ҳаёси хўб ва оқар суюи фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур. Ўшининг фазилатида хейли аҳодис ворид бўлубтур. Қўргоннинг шарқи жанубий бир мавзун тоғ тушубтур, Барокӯҳга мавсум. Андижон руди Ўшининг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудқа мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур. Барокӯҳ тоғи доманасида шаҳр била тоғнинг орасида бир масжид тушубтур, масжиди Жаэзо отлиқ, тоғ тарафидин бир улуғ шаҳжўй оқар. Ушбу масжиднинг ташқари саҳни нишеброқ, себаргалик, пурсоя, сафолиқ майдон воқеъ бўлубтур. Ҳар мусоғир ва раҳгузар келса, анда истироҳат қилур. Умаршайх мирзонинг охир замонларида қизил била мавжлиқ тош ушбу тоғда пайдо бўлди: пичоқ дастаси ва тақбанд ва баъзи нималар қилурлар, хейли яхши тошдур. Фарғона вилоятида сафо ва ҳаюда Ўш чоғлиқ қасаба йўқтур» [6; 9,10].

Ўш астионимининг этимологияси борасида халқ ичидаги турлича қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти юқоридаги ёзма манбаларда тилга олинган ‘Сулаймон тоғи’ ҳамда шаҳар ичидан оқиб ўтадиган қадимий ‘Оқбура’ (турк. «Оқ бувра» – оқ түя)² дарёси ҳақида тўқилган юзлаб

афсона ва ривоятларни ҳам ўз ичига олади. Хусусан, Ўш қадимдан Марказий Осиёнинг диний мусулмон марказларидан бири саналган, чунки тарихий манбаларда турлича номлар билан, Жамол Қаршида (XIII аср) Барәкат (ар. барака, мўл-қўлчилик), З.М.Бобурда Барәкӯҳ (ф-т. баррок – чиройли, кўх - тоғ) тарзида, XVII аср манбаларидан бошлаб Тахт-и Сулаймān, XX асрдан кейин эса Сулаймон тоғ (қирғ. Сулайман тоо) деб юритиладиган Ўшнинг афсонавий тоғи X асрдан бери мўминлар учун анъанавий зиёратгоҳ бўлиб келган [7]. Илк ўрта асрларда мазкур тоғ зардуштийлик дини тарафдорлари учун ибодат жойи бўлган. Афсоналарга кўра эса Зардуштнинг «Авесто» асари ҳам шу тоғда ёзилган. Айни пайтда ҳозир ҳам узоқ-яқиндан келаётган зиёратчилар тоғнинг муқаддаслигига ишонишади ва уни «Кичик Макка», «Иккинчи Макка» сифатида улуғлайдилар [8,5]. Неча минг йиллардан бери диний тоғ дея баҳоланган ушбу обида 2009 йилда ЮНЕСКОнинг Испанияда бўлиб ўтган йиғилишида «Ыйық тоо» («Мўъжизавий тоғ») номи билан Умумжаҳон мероси обьекти сифатида рўйхатга олинган [9,56].

Ривоятларга кўра, Ўш шаҳрининг бино бўлиши ҳам шу тоғнинг аталишига сабаб бўлган пайғамбар Сулаймон ибн Довуд номи билан боғланади. Сулаймон қўл остидаги лашкари ҳамда бир жуфт ҳўқизи билан тоғ этагига етиб келганида, ҳўқизларини «Хўш-ш!» («Бўлди, етар!») деб тўхтатади ва унинг бу сўзи кейинчалик шаҳар номига асос бўлади. Қирғиз элининг «Байыркы легендалари», яъни қадимги афсоналари орасида шу мазмундаги ривоятларнинг хилма-хил варианatlари учрайди. Уларнинг барчасида эса шаҳар номи чорвадорлар тилида кўп қўлланадиган «Хўш-ш!» лексемаси билан алоқадор ҳисобланади [10,11,12].

Яна бошқа маълумотларга кўра, Ўш астионимининг келиб чиқиши машҳур «Манас» эпосидан изланади. Чунончи, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида манасчи оқин Қодирали Қайназар ўғли томонидан ёзиб олинган достоннинг «Манастын Париканага калла курдурганы» номли бобида Ўш шаҳрининг пайдо бўлиши ҳақида сўз боради: Манас ботир ўз аскарлари билан Олтойдан Олатоғни кўзлаб йўлга чиқиб, неча манзил, неча қир-

² Изоҳ: Оқбура дарёси – «Бобурнома» да Андижон руди, «Худуд ул-олам» да Ўш дарёси деб юритилган.

ТИЛШУНОСЛИК

адирларни босиб, ҳозирги йаш худудига етиб келади. Оқбурага отини солиб юборганида, дарё уни юз метрча жойга суреб боради ва у Сулаймон тогининг тумшуғидан чиқади. Тот этагида эса ўзининг болалиқдан тарбия қилган устози, йилқичиси Ўшпурнинг отларни боқиб юрганини кўради. Шунда Манас тоб тепасидан бир йўлбарснинг Ўшпурга ҳужум қилмоқчи эканлигини сезиб қолади ва айни дамда уни йўлбарс чангалидан қутқаради. Ўшпурни омон қолганидан хурсанд бўлган Манас: «Бул ер Ўшпурнинг қалъаси Ўш бўлсун!» – дейди. Шу кундан бошлаб бу қалъа, жой Ўшпурнинг шахри – Ўш пирим бўлиб аталган экан [11;18,19].

Келтирилган афсона ва ривоятлар Ўш астионимининг келиб чиқишига аниқ бир ечим тақдим этолмаса ҳам, лекин уларда қайд этилган чорвачилик термини туркийча «Хўш-ш!», ҳўкиз, йилқи, қалъа, тоб, дарё сингари лексемалар худуднинг неча минг йиллик тарихи, унинг жуғрофик ўрни, табиати, аҳолисининг яшаш тарзи, тили ҳақида қимматли маълумотлар бериш баробарида илмий этимологияга томон йўл очади. Астионимнинг вужудга келиши ҳақида топонимикага оид адабиёт ва лугатларда ҳам қатъий хulosалар берилмаган. Шундай бўлса-да, бу борада олимларнинг бир неча фараҳ ҳамда тахминлари илгари сурилган.

Жумладан, рус олими В.И.Бушков Ўш астионими этимологиясини «Авесто» да учрайдиган қадимги жуғрофик термин «Ушида», «Ушидарна» лексемаси билан боғлайди. Олимнинг фикрича, бу бирлик «Тонгнинг оқариб отиши», «Куннинг қизарип чиқиши» деган маъноларни англатиб, Фарғонанинг жануби-шарқида яшовчи маҳаллий аҳоли қўёшнинг доимо ўша тоб (Сулаймон тоб) ортидан чиққанинг гувоҳи бўлишган. Аввалига бу ном тоққа (Ушида, Ушидарна – Уш, Ўш), кейинчалик унинг этагида пайдо бўлган қишлоқка берилган [13; 17,18].

Археолог К.Малтаев Ўшнинг номланишини қадимги эроний тилларга хос бўлган *Vahsh* лексемаси билан боғлайди. *Vahsh* – Оқбура дарёсининг илоҳи саналиб, астионим тарихий тараққиёт натижасида ушбу кўринишга келган: *Vahsh* – *Oahsh* – *Osh* [14, 2]. Ўз навбатида, олимнинг қараашларига С.М.Мамытов, В.И.Бушковлар қарши чиқадилар ва Ўш этимологиясини *Vahsh* бирлигидан излаш тўғри эмас, деб ҳисоблашади. Чунки бу термин Оқбурага

эмас, балки Амударёга тегишли бўлиб, унинг қадимги эроний номи *Vahsh* (*Vahshob*) бўлган [15,17]. Профессор Ҳ.Ҳасанов маълумотларига қараганда, Покистонда Амударёни ҳозир ҳам *Vakshu-nada* деб аташар экан.

Географ ва топонимшунос олим Э.М.Мурзаев ўзининг «Словарь народных географических терминов» («Халқ географик атамалари луғати») китобида **Ўш** лексемасини «девор», «тўсилган жой», «шахар», «қалъа» сифатида талқин этади [16,278]. Ю.Беляков эса «Слово Кыргызстана» газетасида чоп этилган мақоласида астионим этимологиясини Осиё топоними билан боғлашга ҳаракат қиласи. Олимнинг таъкидлашича, Осиёдаги этник гуруҳ номларининг аксарияти мазкур топоним билан алоқадор ҳолда шаклланган. Чунончи, Осиё топоними иккى топоформантдан ташкил топган бўлиб (**аз+ия**), унинг биринчи қисми финикиялар тилида **асу** каби ишлатилган ва у шарқда яшайдиган кўшни аҳолига нисбатан қўлланилган. Оссурия ва бошқа қадимги шарқ манбаларига кўра **ас (аз) лар** дейилганда, туркий деб номланган барча халқлар тушунилган. Қирғизистон тарихига оид китобларда эса Тургаш хоқонлиги даврида (704-756) қадимги **аз (азгиш)** туркий қабиласининг **азик** деган қирғиз уруғи тармоғи мавжуд бўлган. Номнинг иккинчи таркибий қисми саналган «ия» лексемаси туркий тилда – «мамлакат, макон, жой» деган маънони англатади. Шу сабабли, бу одамлар яшаган худуд ‘Осиё’ – «Аз (ас) лар мамлакати», «Шарқда яшайдиган одамлар мамлакати» деб номланган. Бу мавзу бўйича тадқиқот олиб борган М.Федотов ва академик М.Закиевлар **ас** бирлиги ва унинг фонетик вариантлари (**аз, яс, яз, ус, уз, ош, иш, уш**) жуда қадимги эканлиги, шунинг баробарида деярли барча туркий этномим ҳамда топонимларни шакллантиришга хизмат қилганлигини қайд этишади. Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда Ю.Беляков астионимни ана шу **ас (аз)** уруғининг фонетик вариантлари асосида вужудга келган, деб ҳисоблашади ва Ўш маъносини – «Шарқдаги одамлар шахри» ёки «Шарқдаги шаҳар» сифатида талқин этади [17,3].

Астионим этимонини А.Н.Бернштам ҳам этномимлар билан боғлайди. Бу ҳақда у ўзининг «Древняя Фергана» асарида «Юйту

водийси деб аталадиган Олой водийларида *уш* қабилалари яшаган ва унинг номи кейинчалик ҳозирги йашри номида сақланиб қолган», деб ёзди [18,14]. Олимнинг бу қарашларини тарихчи А.Р.Аюбов у қадар оқламайди ва *уш* қабилаларини йашрига кўчирилиши ҳақида манбаларда ҳеч қандай маълумотлар берилмаган, деб ҳисоблайди. Топонимнинг илдизини эса хитой солномаларида тилга олинган қадимги Дайюан давлатининг йирик шаҳарларидан бири бўлган Эрши атамаси билан боғлашни таклиф этади. А.Р.Аюбовнинг фикрича, Эрши шаҳрининг номи хитойча *арист* қабиласининг номи талаффузидан бошқа нарса эмас. Арист, яъни Эрши шаҳри фақат отлари билан машхур эди. Арист Фарғонанинг бошқа қабилалари сингари сак (скиф) лардан келиб чиқкан. Фарғонада янги давлатларнинг вужудга келиши, турли ҳалқ вакилларининг водийда ўтроқлашиши, маҳаллий аҳолининг тилига таъсир қилган ва бунинг натижасида Эрши топоними қуидаги кўринишга келган: Эрши > Эши > Ўши > Ўш [19].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, хитой манбаларида тилга олинган Эрши топонимини Фарғона водийсидаги шаҳарларга маҳаллийлаштириш масаласи олимлар томонидан турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, А.Н.Бернштам Эрши шаҳрини ҳозирги Марҳамат туманида жойлашган Мингтепа деб кўрсатади [20,110]. Н.Я.Бичурин уни замонавий Кўкон бўлиши керак, деган ғояни ўртага ташласа, А.Анорбоевнинг фикрича, Эрши – бу, Эски Ахсикентdir [21;10,11]. Кейинги йилларда тарихчи ва хитойшунос олим А.Хўжаев Эршини маҳаллийлаштириш бўйича янги ғоя билан чиқди. У ўз тадқиқотларида Хитой солномаларида айтиб ўтилганидек, Эршини – Юан (Фарғона) нинг зотли отлари боқиладиган жой эканлигини назарда тутиб, Ўшга қиёслайди [22;140, 143]. А.Хўжаевнинг бу хulosалари аксарият тадқиқотчилар томонидан қўллаб-қувватланган бўлиб, Ўшнинг табиати, йилки боқишига мўлжалланган кенг яловлардан иборат эканлиги, унинг яқинидаги Аравон қояларидан қадимги от тасвирининг топилиши ва бошқа шунга ўхшаш далиллар олимнинг фикрларини тўла тасдиқлайди.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, биз тадқиқ этаётган Ўш

астионими Хитой манбаларида Эрши номи билан юритилган. Демак, Хитойлар босқини пайтида йашри мавжуд бўлган. Агар шу ўринда А.Хўжаев тадқиқотларига яна мурожаат этадиган бўлсан, йашри астионими этимологияси борасидаги тахмин ва фаразларга оз бўлса-да ечим топишими мумкин. Олим хитой солномаларида тилга олинган топонимларнинг келиб чиқиши ва маъноларини тадқиқ этаётib, шундай хulosага келган эди: «Хитойларнинг яна бир эътиборга молик одати – қадимдан ўзгалар ютидаги жойларга ўз тилида ва ёзуvida ном қўйиш. Шунга кўра, улар кўп ҳолларда ўзга юртлардаги жойларнинг номларини хитойчага таржима қилиб олганлар» [22,129]. Бундан хulosса қилиш мумкинки, йашри астионими, бизнингча, А.Р.Аюбов таъкидлаганидек Эрши номидан келиб чиқмаган, балки Эрши – йашри астионимининг хитойча таржимаси бўлиши мумкин [23; 215,217].

Айни пайтда А.Р.Аюбовнинг Эрши шаҳрининг номи сак (скиф) лардан келиб чиқкан қабила, уруғ номи талаффузидан бошқа нарса эмас, деган хulosаси тўғридир. Чунки йашри бронза асли даврида шаклланган минтақа бўлиб, унинг ҳудудидаги энг қадимги аҳолини сак ва усунлар ташкил қилган [10,8]. Бу борада Т.Айдашев ҳамда К.Ташбаевларнинг фикрлари эътиборлидир. Уларнинг қайд этишича, мил. авв. IV-III асрларда Жанубий Қирғизистон ҳудудида чорвадор ва дехқон сак қабилалари яшаган. Фарғона водийсида ўтроқ ҳаёт кечирадиган саклар, асосан, дехқончилик билан шуғулланган, тоғлик ҳудудларда яшаган сак уруғлари эса кўчманчи чорвадор бўлган. Бундан ташқари, йашри ҳудудида ва унинг жанубида сак қабиласининг чорвадор *Ўш* уруғи яшаган бўлиб, йашри шаҳрининг номи ушбу сўз билан боғлиқ ҳолда вужудга келган [24,25-26; 11,13-14].

Қайд этилган барча мулоҳазаларга асосланган ҳолда хulosса қилиш мумкинки, форсий манбаларда саклар, юонон манбаларида эса скифлар деб юритиладиган ушбу қабила қадимдан Марказий Осиё, жумладан, Фарғона водийси ҳудудида истиқомат қилган ҳамда барча туркий қабилаларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Сакларнинг асосан кўчманчи чорвадор ҳалқ бўлиб, тоғ ёнбағирларида яшаганлиги, моҳир чавандоз сифатида

ТИЛШУНОСЛИК

отларнинг парваришига алоҳида эътибор берганлиги, шунингдек, тадқиқот давомида кузатдикки, бугунги кунда ҳам Ўш қишлоқларида деярли ҳар бир хонадонда от сақланиши ва бошқа жиҳатлари Хитой манбаларида ёзиб қолдирилган «танасидан қонсимон тер чиқадиган зотли отлар боқиладиган» Ўш – Эрши шаҳрининг тарихий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти ўртасида мантиқий боғланиш касб этади. Шу билан бирга Ўшнинг туб ахолиси сифатида унинг номланишига, этник жиҳатдан эса шаклланишига тўла асос бўлади. Хусусан, А.Н.Бернштам қирғиз уруғлари

аксариятининг келиб чиқишини саклар билан боғлайди: саяк ёки сўзак (су+сак), сағай (сак+ай) каби [15,3]. Умуман олганда, топонимик қонуният тарзида тарихий жой номларининг жуда кўпчилигини этномимлар асосида пайдо бўлиши, бу, айниқса, Ўзбекистон топонимиаси доирасида кўп кузатилиши биз тадқиқ этаётган Ўшни этнотопоним сифатида баҳолашга имкон беради. Демак, Ўш астионимининг этимонини сак қабиласининг ус, уш уруғи тармоғи ташкил қиласининг ус // уш // ўш > Ўш тарзида шаклланган.

Адабиётлар:

1. Заднепровский Ю.А. Ошское поселение. К истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. – Бишкек, 1997.
2. Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси. www.ziyouz.com кутубхонаси.
3. Ал-Истахрий. Китаб масолик ал-мамолик. БГА, 1-жилд.
4. Худуд ул-олам. – Тошкент: O'zbekiston, 2008.
5. Бартольд В.В. Сочинения. Том I. – Москва: Восточная литература, 1963.
6. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. – Т.: Yangi asr avlod, 2015.
7. Терлецкий Н.С. Сулайман-Тоо в фотоколлекциях МАЭ. // http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/08/08_03/978-5-88431-279-1/
8. Матиева А. Сулайман тоо табигый айкел. // Ош жаңырыгы. – 2002 г. 27 февраль. № 14.
9. Ажимаматова Ү.С. Ош шаарынын байыркы доордогу тарыхынан. // Наука, новые технологии и инновации Кыргызстана, 2016. № 11.
10. Галицкий В., Плоских В. Старинный Ош. – Фрунзе: Илим, 1987.
11. Ташбаев К. Байыркы жана бугунку Ош. – Ош, 2006.
12. Жўраев М. Ипак йўли афсоналари. – Т.: Фан, 1993.
13. Бушков В.И. Еще раз о происхождении названия г. Ош (легенды и реальность) // Ош и Фергана в исторической перспективе. Вып. III. – Бишкек, 2000.
14. Малтаев К. Вахш, Охшо, Оахшо, Еча. К этимологии названия. // Эхо Оша. -1996 г., 16 января, №28.
15. Мамытов С. Где корни слова «Ош»? // Эхо Оша. 1999 г. 31 марта, №34.
16. Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. – М.: Мысль, 1984.
17. Беляков Ю. О происхождении топонима (названия) Ош. – Слово Кыргызстана (общенациональная газета). 2019 г. 16 августа.
18. Бернштам А.Н. Древняя Фергана. – Ташкент: Издательство Академии Наук УзССР, 1951.
19. Аюбов А. Вопросы топонимики и локализации столичных городов Ферганы в китайских источниках и в современной историографии. <https://cyberleninka.ru/article/vo>.
20. История народов Узбекистана. Том I. – Т., 1950.
21. Анорбоев А. Қадимги ва Ўрта асрларда Ахсикент. // Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. – Тошкент, 2001.
22. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. – Фарғона, 2013.
23. Juraboeva G.S. The history of the toponyms of the ancient and medieval ages // International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science. – Philadelphia, USA. 2020.
24. Айдашев Т. Город Ош. – Мектеп, 1968.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).